

ЯПОН ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАРДА МАДАНИЙ ТРАНСФЕР ВА СЕМАТИК ДЕРИВАЦИЯ

Барнохон Бахромходжаевна ШАМСИЕВА

Таянч докторант

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

КУЛЬТУРНЫЙ ТРАНСФЕР И СЕМАТИЧЕСКАЯ ДЕРИВАЦИЯ В ПЕРЕВОДАХ С ЯПОНСКОГО ЯЗЫКА НА УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

Барнохон Бахромходжаевна ШАМСИЕВА

Базовый докторант

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

CULTURAL TRANSFER AND SEMANTIC DERIVATION IN THE TRANSLATIONS FROM JAPANESE INTO UZBEK LANGUAGE

Barnokhon Bahromkhodjaevna SHAMSIEVA

PhD student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan barnokhon_hi@yahoo.com

UDC (УЎК, УДК): 811.

81'373.612:81'25:811.521:811.512.133

Шамсиева Б.Б. Япон тилидан ўзбек тилига қилинган таржималарда маданий трансфер ва семантик деривация // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 6 (41). — Б. 191-207.

<https://doi.org/10.36078/1645105795>

Received: October 18, 2021

Accepted: December 17, 2021

Published: December 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Лингвомаданият фани ривожланиш жараёнида вужудга келган “маданият трансфери” назариясида асос бўлган маданият унсурларининг таржима қилинган асар маданиятида шундайлигича намоён бўлиши эмас, балки уни янги маданиятга оид матнда қандай қурилгани, унинг қабул қилувчи маданиятга мослашиши кизиқтиради ва ўрганилади. Ушбу мақолада маданият трансфери назариясида асос бўлган маданият элементларининг таржима қилинган асар маданияти томонидан қандай қабул қилиниши, уни янги маданиятда яъни таржима матнида қандай қурилгани, қабул қилувчи маданиятга мослашиши таҳлил қилинади. Аслиятдаги руҳиятга оид белгиларнинг таржима матнига кўчиши, бадий асарда миллий маданиятнинг акс этиши ва унинг таржима матнидаги тасаввур (ассоциация) билан боғлиқ хусусиятларини ёритиш мақоланинг асосий мақсади ҳисобланади. Мақолада таржима қилинган матн таҳлили эквивалентлик ёки ноэквивалентлик, муваффақиятли таржима ёки муваффақиятсиз таржима каби масалаларга тўхталмай, асл нусха ва таржима матни ўртасидаги тафовутлар, ассоциация масалаларига урғу берилди. Чунки, муаллифнинг фикрича, айнан уларда трансфер динамикаси намоён бўлади. Ўзбек тилида амалга оширилган, маданият трансфери назарияси доирасида бадий матн асосида руҳият трансферига оид таҳлил ҳамда тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги мақоланинг илмий янгилиги ҳамда уникалигини белгилаб беради.

Калит сўзлар: лингвомаданиятшунослик; маданият; маданият трансфери; руҳият трансфери; диний сўзларнинг таржимаси.

Аннотация. Культурный трансфер связан не с элементами культуры, а с тем, как она встроена в новую культуру, как она адаптируется к принимающей культуре. В статье

анализируется, как культура изучаемого языка воспринимает элементы культуры исходного языка. В ней исследуется перенос религиозных слов из оригинального текста в переведенный текст, отражающий национальную культуру в произведении искусства. Анализ переведенного текста в статье фокусируется не на таких вопросах, как эквивалентность или неэквивалентность, успешный перевод или неудачный перевод, а на различиях между оригинальным и переведенным текстом, вопросах ассоциации. Так как, по мнению автора, они показывают динамику трансфера. Отсутствие исследований переноса религиозных, духовных слов на основе художественного текста на узбекский язык в рамках теории культурного трансфера свидетельствует о научной новизне статьи.

Ключевые слова: лингвокультурология; культура; культурный трансфер; духовный трансфер; перевод религиозных слов.

Abstract. The cultural transfer is not about the elements of culture but how it is built in a new culture, the way it adapts to the host culture. The article analyzes how the culture of the target language perceives the elements of the culture of the source language. It explores the transfer of religious words from the original text to the translated text, reflecting the national culture in a work of art. The analysis of the translated text in the article does not focus on such issues as equivalence or non-equivalence, successful translation or unsuccessful translation, but the differences between the original and translated text, issues of association. Since, according to the author, they show the dynamics of the transfer. The lack of research on the transfer of religious, spiritual words based on a literary text in the Uzbek language within the framework of the cultural transfer theory demonstrates the article's scientific novelty.

Keywords: linguoculturology; culture; cultural transfer; spiritual transfer; translation of religious words.

Кириш. В. фон Гумбольдтнинг “миллатимнинг тили чегараси менинг дунёқарашимнинг чегарасини белгилайди” деган жумласи лингвомаданиятшунослик фанининг асосий ғоясини ташкил қилиб, тилшунослик соҳасида ҳам қўплаб янги назарияларга дебоча очди. Шулардан бири, “маданият трансфери” назарияси бўлиб, 1980 йилларда олмон ва француз филологлари томонидан Генрих Гейненинг Францияда сақланаётган қўлёзмаларини ўрганиш асносида “маданият трансфери” лабораториясига асос солинган (5, 19). Чунки Франциядаги мавжуд бўлган олмон маданияти ва фалсафаси тўқнашувини ўрганиш олим ва тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотган эди. Францияда яшаб ижод қилган олмониялик Гейне феномени Француз интеллектуал тарихининг ажралмас қисми ҳисобланиб, янги методга ўзига хос туртки бериб, қатор муаммолар устида ўйлантириб қўяди.

1990 йилларда “маданият трансфери” ўз сахнини янада кенгайтириб, Марказий ҳамда Шарқий Европа давлатларининг ўзаро сиёсий ва маданий алоқаларини ўргана бошлади. Ушбу услубнинг самарали натижаси унинг ижтимоий соҳалар, жумладан, тарих, меъморчилик, санъат тарихи каби қатор фанларда ҳам тадқиқот мавзуси сифатида танланди. Маданият трансфери назарияси асосчиси М. Эспаннинг таъкидлашича ҳам, “маданият трансфери” атамаси нафақат таржимашунослик ва тилшунослик, балки иқтисодий, демографик, психологик, ва хаттоки интеллектуал тадқиқотларда ҳам қўлланилиши мумкин. Унинг фикрича, маданий ареалга

бағишланган илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш маданиятнинг ҳаракат механизмини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради (1, 3).

Асосий қисм. Маданият трансферини аниқлашда маданият тушунчаси калитли сўз бўлиб, унинг гуруҳланишини аниқлаб олиш лозим. Тадқиқотчи Ху Венжонг маданиятни уч гуруҳга бўлиб ўрганади, биринчиси инсон ҳаётидаги барча моддий нарсалар бўлса, иккинчи гуруҳи эса инсонларни касби билан боғлиқ тизимли маданият деб кўрсатади, масалан, ҳуқуқий, сиёсий ва ҳ.к. Учинчи гуруҳни руҳий гуруҳ деб номлаб, унга ҳаёт кадрига оид, кадриятлар, диний тушунча ва кўникмаларни киритади (3, 143). Ушбу маданият тушунчасига берилган таърифда тадқиқотчи Ху Венжонгнинг гуруҳлаштиришни асос қилиб тадқиқотчи Ян Жоу маданият трансферини икки турга ажратади: юза қатламли трансфер ва чуқур қатламли трансфер. Юза қатламли трансферга биринчи ва иккинчи гуруҳ маданиятини мисол қилади, чунки бу маданиятни тушуниш, ҳис қилиш ва таржимада бериши нисбатан осонроқ кечади. Учинчи гуруҳдаги руҳий ҳолатларнинг таржимада берилиши ҳам мураккаблик туғдиргани учун бу гуруҳни чуқур қатламли трансфер деб номлайди (6,24). Мақоламизда чуқур қатламли маданият трансферидан руҳият ҳамда диний сўзлар таржимаси трансфери таҳлил қилинади.

Маданиятни аниқлаш ва белгилаш каби масалалар одатда таржима назариясидан ташқарида ўрганилса ҳам, уларнинг ечими таржима тадқиқотларининг ижтимоий фанларга қўшган асосий ҳиссаси бўлиши мумкин (2, 15). Чунки таржимон ўз ишига киришишдан аввал, таржима қилиниши лозим бўлган тил маданияти, унинг тарихи билан танишиб чиқади. Ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро чегара ва фарқларини аниқлаш учун яна таржималардан фойдаланиши мумкин. Бу эса қайсидир маънода таржимасиз маданият трансфери шаклланмайди, деган хулосага олиб келади.

Маданият трансфери бу — бир миллатнинг турмуш тарзи, ўй-кечинмалари, моддий ва маънавий маданиятининг бошқа бир миллат тилига кўчганда маънонинг “силжиши” деб таъриф берамиз. Бир миллатга оид моддий ва маънавий маданиятлар бошқа маконга кўчганда, ўша маконнинг дунёқараши, оламга бўлган муносабати, маданияти нуқтаи назаридан ифодаланади ва маданият трансфер бўлади. Бунда унинг камчиликлари, тўғри ёки нотўғрилиги танқид қилинмайди. Маданият трансфери ҳар бир қабул қилувчи миллат маданияти нуқтаи назаридан табиий амалга ошади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир миллат маданиятининг ўзининг олам манзараси мавжуд бўлиб, улар тилда сўзлар, фразеологизмлар, концепт кабилар орқали акс этади. Қабул қилган маданият ана шу омиллардан қабул қилинган маданиятни “ҳазм” қилади. Натижада маданият трансфер бўлиб, маънонинг “силжиши” амалга ошади.

Таҳлилга Нацумэ Сосекининг “Қалб” асари танланган бўлиб, ўз номланиши билан инсон ички дунёси, қарашлари, ҳиссиётлари ҳақида эканлиги маълум. Таржима матни маданият трансфери сифатида намоён бўлишида матндаги инсон руҳияти, феъл-атвори ҳақидаги тасаввурларнинг силжиши муҳим аҳамият касб этади. Аслиятнинг асосий ғоявий мақсади ва сюжет чизиғи, япон миллатига мансуб кишиларнинг диний қарашлари, руҳиятининг ўзбек тилига қилинган таржима матнида қандай намоён бўлиши, унинг трансфер бўлиши кўпроқ шу нуқтада амалга ошади деган фикрга келдик.

Роман 1914-йилда ёзилган ва ўша йилиёқ нашрдан чиққан бўлиб, асар ўша давр воқеаларини ўз ичига олади. Романнинг асосий қаҳрамонлари талаба, устоз ва унинг дўсти ҳақида бўлиб, асарда бош қаҳрамонларнинг исмлари ошкор этилмайди. Асарда ҳар уччала қаҳрамоннинг тақдири,

рухий олами ҳақида моҳирона баён қилинган бўлиб, дўстлик, ишонч, муҳаббат асарнинг бош ғояси сифатида намоён бўлади. Асарда яна бир муҳим мавзу — роман фонида содир бўлган Мейжи даврининг сўнгги йиллари, Япониянинг модернизацияси ва Японияга кириб келган Ғарб кадриятлари ўртасидаги зиддиятлар ҳам акс этган бўлиб, ўз навбатида бу омиллар ҳам асар қаҳрамонларининг руҳиятига таъсири этгани намоён бўлади. Асар ёш талаба ва ўрта ёшлардаги одам (устоз) ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ривожланиши фонида япон жамиятининг ўзгариши манзарасини очиб беради.

Романнинг асосий мавзуси ва кульминацион нуқтаси ҳам III қисмида акс этиб, унда "устоз" сиймосидаги қаҳрамоннинг тақдири, биринчи муҳаббати, дўсти, хатолари ва ожизлиги ҳақида мактуб орқали баён қилинади. Руҳият трансферига оид танлаб олинган мисолларнинг аксарияти ҳам асарнинг шу қисмига тўғри келди. Чунки, асарнинг айнан шу қисми "қалб", "виждон", "виждон эркинлиги" тушунчалари маъноларини ўзида жамлаганини гувоҳи бўламиз.

"Қалб" асаридан тадқиқот учун мисолларни излаш ҳамда маданият трансферини таҳлил қилиш жараёнида албатта, таржимоннинг истеъдоди, изланиши самараси натижасида ўз ўрнида қўлланилган сўзлар билан бирга, ғализ таржималар, ўрнига тушмаган, хато қўлланилган ёки тушуриб қолдирилган жумлалар, йўл қўйган хатолари натижасида қусурли таржималари ҳам оз эмаслиги кўзга ташланди. Бироқ биз тадқиқотимизда таржима матнини маданият трансфери назарияси нуқтаи назаридан ўрганганимиз туфайли, ҳар бир асар, таржима, ижодий меҳнатга — натижа сифатида ёндашилди. Юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф қилиш масаласи ҳақида тўхталадиган бўлсак, ҳозирда Ўзбекистонда олиб борилаётган таржимашунослик тадқиқотларининг аксариятини таржима муаммолари, лексик бирликнинг таржимада бериш масалалари ташкил қилади.

Маълумки, бошқа динга мансуб халқлар адабиёти таржимаси соҳа мутахассислари учун ҳамиша турли муаммо ва ўзига хос мураккабликлар туғдириб келган. Бунда таржимон меҳнати икки баробар кўпаяди: бир вақтнинг ўзида таржимада аслият мазмунини тўлақонли акс эттириши ҳамда ўқувчига матнни тушунарли қилиш масаласини ҳал қилиш керак бўлади (12, 8).

Маълумки, асар қаҳрамонлари яшаган Японияда синтоизм ва буддавийлик таълимоти кенг тарқалган. Айниқса, синтоизм улар учун ҳам тарих, ҳам анъана, ҳам бутун ҳаёт тарзи демакдир. Буддавийлик таълимотида "яратувчи олий куч"нинг борлигига шубҳа ва ишончсизлик билдирилади (5, 60), синтоизм динида ҳам шу ақида илгари сурилиб, у аждодлар руҳига ва табиатга сифинишга ўргатади (5, 62). Таҳлил қилаётганимиз "Қалб" асарида ҳам юқоридаги фикрларга далил бўладиган бир қанча мисоллар учради. Ислом дини ва маданияти устун бўлган ўзбек миллати тилида бу ҳолат қандай намоён бўлишини таржима матнида кўриб чиқамиз.

Қуйидаги мисолда маънонинг силжиганига гувоҳи бўламиз.

「天罰だからさ」と伝えて高く笑った。(1, 29)

[^ˈTenbatsudakara sa' to tsutaete takaku waratta.]

"*Худонинг жазоси!* — жавоб берди устозим ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди" (9, 15).

Япон тилига даоизм, конфуцийлик ва буддизм ғоялари асосида кириб келган хитой тилидаги 「天」 тушунчаси "осмон устидаги олам", "кўриқчи худо" ва шу каби бошқа маъноларни ўзига ичига олган (18, 975). Ушбу ғоялар (даоизм, конфуцийлик, буддизм) ва Япониядаги қадимги 日

神 — “куёш худоси” эътиқоди натижасида кўпхудолик мавжуд бўлиб, япон тилида 「天」 [ten] деганда “осмон”, “осмон устидаги олам” ва у билан боғлиқ худолар назарда тутилади. Япон тили матнидаги 天罰だからさ [tenbatsu dakara sa] жумласи “самодан юбориладиган жазо” сифатида тушунилиб, 天罰[tenbatsu] сўзи илоҳий кучнинг жазосини назарда тутди. Ва яна буддизмда “бошқа динлардан фарқли равишда ҳеч бир ўзгармас нарса йўқ, ҳатто худо ҳам ўзгарувчан, деб уқтирилади(15, 233). Ўзбек миллатида илоҳий куч фақатгина Яратган билан боғлиқ деган маънода, таржима матнида “худонинг жазоси” деб берилганини кўрамиз. Яъни икки тилдаги “худо” тушунчасининг турличалиги юзасидан китобхоннинг асарни ўқиш жараёнида жазонинг ким ёки нима томонидан берилиши ҳақидаги тасаввур турличадир. Бу таржимада маънонинг тасаввур томонга силжигани натижасида конкретизация амалга ошганини кўрсатади.

Мақлоламида аслиятдаги динга алоқадор тушунчаларнинг таржимада бошқа диний атамаларга трансфер бўлган ҳолатини кўриб чиқамиз.

“Қалб” асарида буддавийлик, синтоизм динига оид қарашлар, фикрлар қатор ўринларда мавжуд бўлиб, таржимон китобхон дунёқарашидан келиб чиқиб, ислом маданиятига оид сўзларни таржима матнида аслиятдаги бирликка муқобил вариант сифатида танлаганда трансфер кузатилди. Ҳаттоки, динга мансуб бўлмаган сўзларни ҳам диний сўзлар билан таржима қилиниши, ўзбеклар ҳаётида ислом маданияти турмуш маданиятига сингиб кетганидан далолат беради.

Япон миллатига мансуб кишининг ҳаёти ва ўй-хаёлларида дин билан алоқадор тушунчаларнинг акс эттирилиши, албатта, шу миллатга мансуб ёзувчининг тасаввурлари ва тасвир имкониятлари билан боғлиқ ҳолда акс эттирилган. Романнинг таржимасида эса бу ҳолатларни ифодалаш энг мураккаб жараён ҳисобланиб, таржимондан катта маҳоратни талаб қилади. Ушу масалани ўрганиш, диний тушунчаларнинг трансфер бўлишини таҳлил қилиш жараёнида япон тилидаги сўзлар ўзбек тилига ўтирилганида турлича ёндашилган ҳолатлар кузатилди.

Дарҳақиқат, диний тушунча ва реалияларни таржимада бериш таржимондан катта маҳоратни талаб қилади. Айниқса диний реалияларни тўғри ифода қилишда лисоний бирликнинг услубий вазифасини аниқлаш керак бўлади. Бироқ, аслият ва таржима тили миллати дини умуман биридан фарқли бўладиган бўлса, адаптацияни четлаб ўтишнинг имкони йўқ. Ҳаттоки, таржиманинг адаптация услуби бундай ҳолатларда, бадиий асарнинг умумий ғоясига таъсир ўтказмаса, таржима асарида коммуникатив эффектни сақлаб қолишга ёрдам беради ҳам. Мақоламида диний реалиялар таржимасидаги хато-нуқсонларнинг келиб чиқиши ёки таҳлили эмас, балки диққатимизни таржима қилинган тайёр матнда амалга ошган маданият трансфери таҳлилинини кўриб чиқдик. Албатта таржимашунослик мутахасиси сифатида таржима сифатида ҳақидаги фикрларимизни ҳам четлаб ўтмадик.

Асар бош қаҳрамони дўстининг қарашлари, қизиқишлари ҳақида баён этиб, унинг фақатгина буддавийлик динига эмас, балки бошқа динлар — насронийлик, ислом динларига ҳам қизиқиши борлигини билиб олганини ҳикоя қилади (5, 62).

その上彼は機会があったら、コーランも読んでみる積りだと伝えました。彼はモハammadと剣ということばに大いなる興味を有っているようでした。 (1, 170) .

[Sono Jō kare wa kikai ga attara, kōran mo yonde miru tsumorida to tsutaemashita. Kare wa mohammado to ken to iu kotoba ni ōinaru kyōmi wo atte iru yōdeshita.]

“Бундан таишқари, имкони бўлса Қуръон билан ҳам танишиб чиқмоқчи эканлигини айтди. Чамаси, Муҳаммад ва ҳадислари унинг учун алоҳида мазмунга эга эди” (10, 137).

Ушбу мисолнинг биринчи жумласида қаҳрамоннинг дўсти Қуръон билан танишиб чиқиш истаги борлигини баён қилади. Лекин япон тилида эса бу жумла 読んでみる [yonde miru], яъни “ўқиб кўрмоқ” феъли билан берилган. Қуръон китобининг чет тилларига қилинган таржималарда ҳам ўқиш имконияти бўлса-да, уларда асосан Қуръоннинг мазмуни баён этилиши бизга маълум. Ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатларда “Қуръон ўқимоқ” деганда, асосан араб тилида “қироат этиш”ни амалга оширилиши назарда тутилади. “Танишиб чиқиш” эса унинг мазмуни билан боғлиқ ҳолат бўлиб, Қуръоннинг бошқа тилларга қилинган таржимаси мисолида кўришимиз мумкин. Зеро, қаҳрамон ҳам япон тилида мутолаа қилишини инобатга олиб, таржимада “танишиб чиқиш” феъли ишлатилган. Гарчи, бу ерда ҳам аслиятнинг маъноси сақланиб қолган бўлса-да, воситачи таржимон орқали жумладаги муқаддас Қуръон китобини “ўқимоқ” феъли “танишиб чиқмоқ” бирикмасига ўгирилгани ва бунда маъно силжиганини кузатамиз.

Жумланинг иккинчи қисмида “Муҳаммад ва ҳадислари” бирикмаси аслият матнидаги モハツマドと剣 [mohammado to ken], яъни “Муҳаммад ва қиличи” бирикмасининг таржимаси сифатида берилган. Таржима матнида Муҳаммад (с.а.в.)нинг қиличлари деганда кўчма маънода уларнинг сўзлари, насихатлари акс этган “ҳадис” сўзига трансфер бўлган бўлса ажаб эмас. Бироқ Муҳаммад (с.а.в.) нинг машхур “Зулфиқор” номли қиличлари (14) ҳам бўлиб, аслият матнида ўша қилич ва у билан қилинган жанглр назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

Ушбу жумла билан боғлиқ учинчи таҳлилимиз 大いなる興味を有っているようでした [Ōinaru kyōmi wo atte iru yōdeshita] жумла билан боғлиқ бўлиб, “Муҳаммад ва қиличига катта қизиқиши борга ўхшарди” деб сўзма-сўз таржима қилинади. Таржима матнида эса “унинг учун алоҳида мазмунга эга эди” жумласи, албатта, таржимон нуқтаи назаридан “қилич”нинг трансфер бўлган шакли “ҳадис”га нисбатан берилган. Таржимоннинг ўзининг ҳиссиётлари ҳам таржимага ҳам сингиб трансфер содир бўлган деган фикрга келамиз.

私は又彼の部屋に聖書を見ました。私はそれまでに御経の名を度々彼の口から聞いた覚えがありますが、基督教に就いては、問われた事も答えられた例もなかったのですから、一寸驚きました。(1, 169.)

[Watashi wa mata kare no heya ni seisho wo mimashita. Watashi wa sore made ni wo kei no na wo tabitabi kare no kuchi kara kiita oboe ga arimasuga, kirisutokyo ni tsuite wa, towa reta koto mo kotae rareta rei mo nakatta nodesukara, chotto odorokimashita.]

“Бундан таишқари К. нинг хонасида Библияга кўзим тушди. Бу ҳол мени бир оз таажжубга солди, чунки илгари ундан кўпинча турли буддавийча оятларни эшитиб турардим, аммо насронийлик тўғрисида ҳеч қачон сўзлашмаганмиз” (10, 137).

Таҳлилга тортмоқчи бўлган жумламиз 御経の名 [o kyō no na] ибораси бўлиб, таржима матнида “буддавийча оятлар” тарзида таржима қилинган. Япон тилидаги 御経 [o kyō] сўзида 御 [o] иероглифи олд кўшимча ҳисобланади ва “ҳурмат белгисини ифодалайди. 1. Сухбатдош ёки учинчи шахсга нисбатан ҳурмат ифодалаш юзасидан уларга тегишли нарса ва

буюмлари, ҳаракат сўзларига қўшилади. 2. Будда, худо, императорларга нисбатан ҳурмат изҳор қилиш учун улар билан боғлиқ сўзларга қўшилади.”(20, 310) Ўзбек тилида ҳурмат шаклга эга олд кўшимча мавжуд эмаслиги юзасидан таржима қилганда бу олд кўшимча лақунарлик ҳосил қилади. Ўзбек тилида одатда ҳурмат сўзлар билан ёки суффикслар орқали ифода қилинади.

經[кю] сўзи япон тили катта изоҳли луғатида “1. Сутра сўзининг таржимаси. (イ) Будда таълимотларини жумла сифатида умумлаштирган китоб. Биргаликда у “Ўн икки бўлим” деб номланади. (口) “Тўққиз бўлим”, “Ўн икки бўлим”лардан бири, будда таълимотларини ифодалайдиган ёзув. Китоб.”(20, 665) сифатида таърифланади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “сутралар — қадимий ҳинд адабиётида фалсафа, дин, ахлоқ, сиёсат, ҳуқуқ, грамматика ва бошқалар бўйича ёзилган, панд-насихат, ибрат тарзидаги парчалар, қисқа рисолалар” дея таърифлангани нуқтаи назаридан “сутра” сўзи ўзбек тилига бегона эмас. Демак, 御經の名[o кю по па] жумласини таржимон “сутра номлари” деб берганида мақсадга мувофиқ бўлар эди, назаримизда. Чунки, таржимон таржима қилганидек “оят” каломи фақатгина ислом динига оид бўлиб, “Қуръон сураларининг банди. Исломга кўра, оят Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий қилиб, бандаларга қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси” (16, 614) ҳисобланади.

Ушбу таржимада “оят” сўзи бироз нотўғри танланган назаримизда. Мақола мавзуимиз бўйича жумлада трансферни кузатсак-да, “буддавийча оят” таржимаси баъзи маълумотга эга эмас китобхонда барча дин муқаддас китобларидаги тугал жумлалар “оят” деб номланади деган хато тасаввур уйғотиши мумкин. Бундай ҳолатга нисбатан Р.Ширинованинг хулосасини келтириш ўринли: “Барча динлар учун умумий ва ҳар бир дин учун хос бўлган диний реалаялар мавжуд. Умумий реалаялар таржимасида таржима тилидан аслиятдаги истилоҳ — тушунчанинг муқобилини топиб, таржима қилинади. Лекин гап бевосита у ёки бу диний таълимотнинг мазмун-моҳиятини ифодалайдиган реалаяларга бориб тақалганда улар транслитерация қилиниб, зарур изоҳлар келтирилади. ..., натижада, аксарият ҳолларда аслиятнинг бадиий-эстетик қиммати, уларнинг миллий ўзига хослиги ва тарихий давр кўриниши сақлаб қолинган” (12, 16).

Юқорида қайд этганимиздек, таржима — бу трансфер демакдир. Маданият трансфери назариясида матнга натижа сифатида ёндашилиши нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, аслиятдаги муқаддас калом маъноси сақлаб қолиниб, таржима матнида унинг шакли, хусусиятлари ҳақидаги ассоциациялар силжиганини гувоҳи бўламиз. Чунки, асл матнда фақатгина “сутра”, “муқаддас номлар” маъносида келиб, таржима матнидаги “оят” тушунчаси, “дуо”, “қироат” каби тасаввурларни ўзига сингдириб трансфер ҳосил қилади.

Кにも宗教家らしい様子が、まったく見えなくなりました。(1, 193)

[K ni mo shūkyōgarashī yōsu ga, mattaku mienaku narimashita.]

“К ҳам ўз навбатида ваъзхонга ўхшамай қолди” (11, 100).

Таҳлил қилаётганимиз ушбу жумла, Кにも宗教家らしい様子が、まったく見えなくなりました[K ni mo shūkyōkarashī yōsu ga, mattaku mienaku narimashita] жумласи сўзма-сўз “К нинг ҳам диний ҳолати умуман кўринмай қолди” маъносида келиб, аслиятдаги 宗教家[shūkyōga] сўзи япон тили катта изоҳли луғатида “диний миссиялар билан шуғулланувчи роҳиблар, руҳоний ва бошқалар учун умумий атама. Бундан ташқари, кучли эътиқодга эга бўлган киши”(20, 1219) деб таърифланади. Бундан

аникланадики, 宗教家 [shūkyōka] сўзи Японияда кенг тарқалган айнан буддавийлик ёки синтоизм динига оид сўз эмас, балки, барча динлардаги дин пешволарини ифодаловчи сўз ўзбек тилига “ваъзхон” деб таржима қилинган. “Ваъзхон” сўзи ўзбек тилидаги “диний ақидаларни халққа, қавмга тушунтиришга, тарғиб қилувчи, маърузачи, нутқ сўзловчи”(13, 447) каби маъноларни беради. Мисолда тасвирланаётган қахрамон камгап, “ичимдагини топ” қабилидаги характерга эга бўлиб, оиласи шифокор бўлишини хоҳлашса-да, хуфёна тарзда ибодатхонада диндан таълим олаётган бўлиб, буддавийлик дини эътиқодида бўлади. Аслиятдаги 宗教家 [shūkyōka] сўзига таржимон муваффақиятли тарзда “ваъзхон” сўзини муқобил сифатида танлагани диний коннотацияни ўзида сақлаб қолган бўлса-да, 宗教家らしい [shūkyōkarashi] сўзининг ёнидаги калитли сўз 様子 [yōsu] сўзи сўзма-сўз “ҳолат” деб таржима қилиниб, “диний ҳолат” сўзини ифодаловчи диний пешво ассоциацияси ва камгап қахрамон таржима матнида “тарғиб қилувчи, нутқ сўзловчи” тасавуридаги қахрамонга трансфер бўлади. “Ваъзхон” сўзи ҳозирги кунда диний ишлардан ташқари нотик, бирор масала бўйича маърузачи сифатида ҳам тушунилиб, аслиятда келган диний тушунчани бир мунча ўзидан соқит қилади ҳам.

Кейинги мисолдаги сўз деярли барча динларга хос бўлса-да, у ҳақидаги тушунча ва ассоциациялар турличалиги трансферга сабаб бўлади.

私は彼を人間らしくする第一の手段として、まず異性のそばに彼を座らせる方法を講じたのです。そうして其所から出る空気に彼をさらした上、錆び付きかかった彼の血を新しくようと試みたのです。(1, 180)

[Watashi wa kare wo ningenrashiku suru daiichi no shudan to shite, mazu isei no soba ni kare wo suwara seru hōhō wo kōjita nodesu. Sōshite sonotokoro kara deru kūki ni kare wo sarashita ue, sabitsuki kakatta kare no chi wo atarashiku yō to kokoromita nodesu.]

“Уни *комил инсон даражасига кўтариш* учун унинг айниган қонини аёл кишидан тараладиган тароват таъсирида тозалашга уриндим” (11, 96).

この際彼を人間らしくするのが専一だと考えたのです。(1, 180)

[Konosai kare wo ningenrashiku suru no ga sen'itsuda to kangaeta nodesu.]

“Муҳими, уни *комил инсон даражасига кўтариш* керак, деб ҳисоблар эдим” (11, 96).

人間 [ningen] сўзма-сўз “инсон” маъносини англатиб, япон тили катта изоҳли луғатида биринчи бўлиб буддавийлик таълимотидаги маъносига изоҳ берилган. Унга кўра, 人間 [ningen] буддизмда 1) “олти йўл (дунё, олам)дан бири, инсонлар яшайдиган дунё” (20, 1890) бўлиб, бу дунёда қайта туғилса, буддизмни қайта ўрганиб нажот топишга имкон бор деган қараш мавжуд. 2) Инсон оламида яшовчи, одам, инсон зоти. 3) Инсонийлик йўлини тутган жиддий шахс. 4) Одам, шахс каби маъноларни ўз ичига олади. Юқоридаги таҳлил қилинаётган мисолда, 人間らしくする [ningenrashiku suru] бирикмаси сўзма-сўз “инсоний бўлиш (бу ерда айнан дўстини инсоний қилиш)” деб таржима қилиниб, маъноси луғатдаги 3) изоҳга тўғри келади. Яъни, инсонийлик йўли — инсон дунёсига олиб борувчи йўл бўлиб, унга эришиш учун “инсон сифатида бажарилиши керак бўлган ахлоққа эга бўлиш — инсон бўлиш учун тўғри йўл” (20, 1890) ҳисобланади.

Таржима матнида келган комил инсон тушунчаси умуминсоний тушунча ҳисобланиб, ҳар бир динда баркамоликка эришиш тушунчасини ифода қилади. Ислом динида у “тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланиб, ҳар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлиқ ва Аллоҳни англашда тўлиқ

билимга эга бўлган ва натижада Ҳаққа етишган (ёки Қуръон оятларининг туб моҳиятини тушунадиган) инсон. Унинг бутун олам учун бўлган фавқуллодда аҳамияти ана шундан келиб чиқади, у — Коинотнинг ботиний ҳукмдори, Олам яратилишининг сабабчиси ва мақсади” (18, 127) маъносида қўлланилинади.

Мишель Эспанга кўра, ҳар қандай объект бир маданиятдан иккинчисига ўтиш, кўчириш жараёнида бошқа контекстга тушганда ўзига янги маъно касб этади. Масалан, турли тиллардаги универсал сўзлар ва атамалар ҳам турли хил маъно ва мазмунга эга эканлиги намоён бўлади. Асли келиб чиқиши француз тилидан бўлган “буржуазия” сўзи немис тилида ҳаттоки, рус тилида ҳам кўшимча маъно юклаб олади (21). Таҳлил қилаётганимиз “Қалб” романида ҳам аслиятда келтирилган дин ҳақидаги тушунча, қараш матн таржимасида ҳам сақланиб қолган. Чунки, “комил инсон” тушунчаси барча динларда ҳам мавжуд умуминсоний тушунча ҳисобланса-да, ғояси турли хил. Яъни шакли биру маъно турлича. Бу ҳам, ўз навбатида, диний-маданий трансфер ҳолатини намоён этади.

その時私はしきりに人間らしいという言葉を使いました。

．．．するとKが彼のどこをつらまえて人間らしくないというのか
と私に聞くので

す。私は彼に告げました。

—君は人間らしいのだ。あるいは人間らし過ぎるかも知れないのだ。けれども

口の先だけでは人間らしくないような事をいうのだ。また人間らしくないように

振舞おうとするのだ。(1, 192)

[Sonotoki watashi wa shikirini ningenrashī to iu kotoba o tsukaimashita. ...

Suruto K ga kare no doko o tsura maete ningenrashikunai to iu no ka to watashi ni kiku nodesu. Watashi wa kare ni tsugemashita. — Kimi wa ningenrashī noda. Aruiwa ningenrashi sugiru kamo shirenai noda. Keredomo kuchi no saki dakede wa ningenrashikunai yōna koto o iu noda. Mata ningenrashikunai yō ni furumaou to suru noda]

Ўша вақтларда мен доим “инсонга ўхшаган бўлиш” деган сўзларни кўп тилга олардим. ...Шунда, К. мендан, ўзида “инсонга ўхшамайдиган” нимани кўраётганимни сўради. Мен унга:

— Сен ўзинг инсонга ўхшайсан; ҳатто ўта инсонийсан ҳам. Аммо тилингдан инсонга хос бўлмаган сўзлар чиқади; шунда ҳаракатларинг ҳам инсонга ўхшамай қолади, — деб жавоб бердим (11, 99).

Юқоридаги таҳлил қилинаётган 人間 [ningen], 人間らしい [ningenrashi] сўзлари юқоридаги мисолда таҳлилга тортилган бўлиб, ўзбек тилига тўғридан-тўғри “инсон”, “шахс”, “инсонга ўхшаган бўлиш” деб таржима қилинади. Бироқ, япон тилида ушбу сўз чуқур диний коннотацияга эга бўлиб, буддизм фалсафасига кўра, ҳар бир одам ўлганидан сўнг, қайта тирилиб, Рокудо деб аталадиган 6 олам(само олами, инсон олами, шура олами, ҳайвонлар олами, очарчилик олами, дўзах олами)дан бирига тушади. Буддизм динига эътиқод қилувчилар ўлимдан сўнг азобли оламда қайта тирилмаслик учун иложи борича маърифатга интилиб, инсонларга хос яхши амалларни бажариб яшашлари даркор (25). Шу нуқтаи назардан, японлар(буддизм динига эътиқод қилувчилар)да “инсон бўлиш” тушунчаси чуқур диний-фалсафий маънога эга бўлиб, асардаги 人間らしい [ningenrashi] “инсонга ўхшаган бўлиш” ибораси шу билан боғлиқ.

Романдаги К.ни асраб олган оила гарчи, унинг шифокор бўлиб етишишини хоҳлашса-да, К. яширинча ўзини рухонийликка тайёрлаб боради. К. “Қалб” романининг асосий қаҳрамони бўлмиш устознинг

ёшликдаги дўсти бўлиб, дўсти иккиси бир қизга кўнгиб бергани аниқлангандан сўнг асарнинг кульминацион нуктаси бошланади. Дўсти севги учбурчагидан К.нинг чекинишини хоҳлаб, унинг руҳонийликка қизиқишидан фойдаланиб, унга диний-маърифий ҳаёт йўлидан оғаётганини эслатиб маънавий хужум бошлайди. Юқоридаги таҳлил қилинаётган жумлалар шулардан бири ҳисобланиб, дўсти руҳонийликка интилаётган К.га “инсоний бўлиш” сўзларини ёдга солдириб уни умидсизликка тушуради.

Аслиятдаги диний мазмунга эга бўлган 人間 [ningen], 人間らしい [ningenrashi] сўзлари юқорида келтирилган мисолдаги таҳлилдимида “комил инсон” сифатида таржима қилинганини кузатган бўлсак, бу мисолда сўзма-сўз “инсонга ўхшаган бўлиш”, “инсоний” деб таржима амалга оширилганини кузатамиз. Ўзбек тилида “инсоний”, “инсонлик” сўзлари “инсон наслига мансублик, чин одамлик, инсонга хос юксак фазилатга эгалик” (14, 214) маъноларида ишлатилиб, япон тилидагидек диний коннотацияни ўзида жамламайди.

К.нинг дўсти диний эътиқоди йўқлиги сабаб, “инсонга ўхшаган бўлиш” ибораси у учун аҳамиятсизлигини, фақатгина дўстини “илинтириш” учун ишлатганини ифодаладиган жумла куйидаги келди:

人間らしいとか、人間らしくないとかいう小理屈は殆んど頭の中に残っていませんでした。(1, 193)

[Ningenrashī toka, ningenrashikunai toka iu korikutsu wa hotondo atama no naka ni nokotte imasendeshita.]

“Инсонга ўхшаган бўлиш” ёки “инсонга ўхшамаган бўлиш” каби софизмлар миямдан бутунлай чиқиб кетди (11, 100)

Япон тилидаги 小理屈 [ko rikutsu] бирикмаси ўзбек тилида “бемаъни мулоҳаза”, “зерикарли мунозара” маъноларини англатиб, таржима матнида эквивалент сифатида “софизм” сўзи қўлланади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилишича софизм сўзи асли юнонча “sophisma” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ҳийла”, “жўмбоқ” маъноларини англатади ва бирор бемаъни фикрни асословчи муҳокама ёки хулоса деб таърифланади (17, 24). Юқоридаги контекстда учраган “комил инсон” дебтаржима қилинган 人間らしい [ningen rashii] бирикмасига бу мисолда “софизм” сифати берилиб, аслиятдаги “инсонга ўхшаган бўлиш” диний тушунчаси ўз диний-маданий бўёқдорлигини йўқотиб, оддий фалсафий гапга трансфер бўлган.

Кは昔から精進という言葉が好きでした。私はその言葉の中に、禁欲という意味も籠っているのだろうと解釈していました。しかし後で実際を聞いて見ると、それよりもまだ厳重な意味が含まれているので、私は驚きました。道のためにはすべてを犠牲にすべきものだというのが彼の第一信条なのですから、撰欲や禁欲は無論、たとえ欲を離れた恋そのものでも道の妨害になるのです。(1, 213)

[K wa mukashi kara shōjin to iu kotoba ga sukideshita. Watashi wa sono kotoba no naka ni, kin yoku to iu imi mo komotte iru nodarou to kaishaku shite imashita. Shikashi ato de jissai wo kiite miru to, sore yori mo mada genjūna imi ga fukuma rete irunode, watashi wa odorokimashita. Michi no tame ni wa subete wo gisei ni subeki monoda to iu no ga kare no dai ichi shinjōna nodesukara, Setsu yoku ya kin'yoku wa muron, tatoi yoku wo hanare reta koi sonomono demo michi no bōgai ni naru nodesu]

“К азалдан “ўзини тийиш” сўзини яхши кўради. Мен бу атамани шаҳвоний иштиёқларни енгиш маъносида тушунардим. Лекин бир

куни бу ҳақида гап очганимда, К бунга яна қандайдир жиддий маъно юклаганидан ҳайрон қолдим. Унинг биринчи қоидаси — Олий мақсад йўлида барча нарсани қурбон қилиш эди. Шунинг учун ҳиссиётларини бошқариш ёки уларни енгиш табиий нарса эди. Ҳатто шаҳвоний хоҳишлардан холи мухаббат ҳам ушбу йўлдаги тўсиқ ҳисобланарди.” (11, 109)

Ушбу мисолда калитли сўз 精進[shōjin] бўлиб, буддизмга оиддир. У “ўзни бағишлаш” деган маънони англатади ва дунё эътиқодчилари тилида “vīrya” деб аталиб, буддизмга оид диний реалія ҳисобланади. Япон тили изоҳли луғатга кўра маънолари куйидагича, 1) Vīrya таржимаси. Буддизмга сидқидилдан амал қилиш. Бундан ташқари, мазкур қалб ҳолатини ҳам англатади. 2) Тозаланиш учун маълум вақт давомида тил, ҳатти-ҳаракатлар, таом ейиш, ичиш, чекишни чеклаш ва нопокликдан қўрқиш, ўзни олиб қочиш. 3) Умуман балиқ ёки гўшт истеъмол қилмасдан веган таомларини истеъмол қилиш. 4) Тиришиш, жон-жаҳд билан ҳаракат қилиш. 5) Яхши хулқ-атворга эга бўлишлик ва мулойимлик (20, 887) каби маънолари мавжуд.

“Қалб” романида 精進[shōjin] сўзининг ўзбек тилига қилинган “ўзини тийиши” таржимаси япон тили изоҳли луғатидаги 2-таърифга тўғри келиши нуқтаи назаридан таржима деярли тўғри амалга оширилган. Бироқ, ўзининг диний коннотациясини йўқотган ҳолда оддий сўзга трансфер бўлган. Бизнинг фикримизда “вирья” реаліясини изоҳи билан берилганда, матндаги диний колорит янада кўпроқ намоён бўлар эди. Таржима матнидаги ушбу қисм диний ифодасини кейинги жумладаги “олий мақсад йўлидаги” ибораси очиб беради. Ушбу сўз аслиятда 道[michi] кўринишида келган бўлиб, ўзбек тилида “кўча, йўл” маъноларини англатади. Таъкидлаш лозимки, 道[michi] сўзи буддизмда ҳам ўз маъносига эга бўлиб, асарда шу маъно қўлланилган. Япон тили катта изоҳли луғатига кўра, 1) Одамлар ва автомобиль ўтадиган жой, йўл. 2) Одамлар бўйсунуши лозим бўлган таълимот. Ахлоқ каби таълимотлар. 3) Илм-фан ва санъат каби ихтисослашган соҳаларнинг йўли, тадқиқ этиш усули. 4) Буддизмга оид. а) буддизмга эътиқод қилувчиларнинг одатий амалиёти йўли. б) Тўғри, саккиз эзгулик йўли. в) Будда таълимоти, будда йўли, Сатори. г) Будда бўлишга ўргатиш. 5) Даосизм. Дао ҳақидаги таълимот. б) Маъмурий бўлиниш. Префектуралар ва префектураларга тенглаштирилган оддий маҳаллий жамоат ташкилотлари (20, 887) маъноларига эга. Таржимон “йўл” сўзини “олий мақсад” бирикмаси билан сифатлаб унинг диний коннотациясини етказиб беришга ҳаракат қилган.

Кейинги жумлада ҳам аслиятдаги 道 [michi] (йўл) сўзи “Олий мақсад” сифатида таржима қилинган, чунки, ўзбек тилида “йўл” сўзи диний тасаввурдан холи бўлиб, ахлоқий мезонларни ифодалаш учун кўчма маънода “тўғри йўл”, “хато йўл” сифатида ишлатилади. Ўзбек тили изоҳли луғатида кўчма маънода “бирор нарсанинг йўналиш, оқими” деб, ушбу сўз билан ишлатиладиган фразеологик бириклар сифатида “йўлдан оздирмоқ”, “йўлдан тойдирмоқ”, “йўлдан урмоқ” каби мисоллар берилган бўлиб, “нотўғри, номақбул, ёмон йўлга чалғитмоқ” деб изоҳланган (14, 276-277).

かえってそれを今まで通り積み重ねて行かせようとしたのです。

それが道に達し ようか、天に届こうか、私は構いません。

(1, 41)

[Kaette sore o imamadedōri tsumikasanete ikaseyou to shita nodesu. Sore ga michi ni tasshi-yō ga, ten ni todokouga, watashi wa kamaimasen.]

“Аксинча уни ўзи тўғри деб билган йўлга қайтаришига ҳаракат қилдим. Бунда у Олий мақсадга эришадими ёки самога етиб борадими — менга бунинг аҳамияти йўқ эди” (11, 109)

Аслиятдаги 今まで通り積み重ねて [imamade dōri tsumikasanete] жумласи ўзбек тилига сўзма-сўз “уни аввалгидек тўплаб” деб таржима қилиниб, таржима матнида “уни ўзи тўғри деб билган йўлга” деб берилган. Бу ерда “йўл”нинг ўзбек тилидаги кўчма маъноси муқобил сифатида ишлатилган. Мисолнинг кейинги жумласида буддизмга оид 道 [michi] (йўл) сўзи келиб, ўзбек тилига аввалгидек “Олий мақсад” сифатида таржима қилинган ва шу орқали сўзнинг диний ахборотини сақлашга ҳаракат қилган.

Таҳлилга тортилган юқоридаги мисолнинг иккинчи қисмида 天に届こうか [tenni todokouka] бирикмаси ўзбек тилига “самога етиб борадими” деб таржима қилинган. 「天」 [ten] сўзи юқоридаги таҳлил қилинган мисолда контекстдан келиб чиққан ҳолда “худо” деб таржима қилинган ва ушбу мисолда “само” деб берилган. Чунки, 「天」 [ten] сўзи япон тилида, хусусан буддизмда кенг маънода ишлатилиниб, ўзбек тилида аниқ эквиваленти мавжуд эмас. 「天」 [ten] сўзи асосан буддизм таълимотига оид Рокудога оид биринчи даражали олам ҳисобланади. Япон тили катта изоҳли луғатида, 1) Ер устини қуршаган мовий фазо. Кенг, қат-қат баланд осмон. Само. 2) Еру-осмон ҳукмдори. Яратувчи. 3) Табиий белгиланган тақдир. Туғилиш ва қайтиш. 4) Буддизмга оид. а) Ўлимдан кейинги энг яхши натижаларга эришганлар яшайдиган олам, Рокудо оламларидан бири. Шунингдек, жаннат, осмон устидаги дунё. б) Қуёш худоси, ой худоси каби оламни ҳимоя қилувчи осмон худоси маъноларини ўзида жамлайди (20, 792). Таҳлил қилаётган жумламиздаги 「天に届こうか」 [tenni todokouka] бирикмаси буддизм динига эътиқод қилувчи дўстига нисбатан айтилган бўлиб, изоҳли луғатдаги буддизмга оид қисмидаги а) бандига маъносига тўғри келади. Ушбу бирикма таржима матнида “самога етиб борадими” деб таржима қилинган. Ўзбек тили изоҳли луғатида “само” сўзи бир маънода “осмон, фалак” (14, 543) деб изоҳланган. Араб тилидан ўзлашган “само” сўзи ўзбек тилида илоҳий маънони англлатмаса-да, матн контекстидан келиб чиққан ҳолда унинг нимага ишора қилаётганини тушуниш мумкин. Бирок, япон тилида, хусусан буддизмда чуқур маънога эга 「天」 [ten] сўзи кенг маъноли коннотацияга эга бўлса-да, таржима матнида ўз диний ахборотини йўқотиб оддий сўзга трансфер бўлганини кузатамиз.

Бадиий таржима матнида бадиий адабиётнинг барча жанрий ранг-баранглиги акс этиб, унда ҳиссиёт ва эстетик дид ҳукмрон бўлади ва албатта баён шакли ҳам катта аҳамият касб этади. Адабиётда воқеликни мантиқий идрок этишдан кўра, бадиий ва ҳиссий-эмоционал қабул қилиш кучлироқ бўлишини инobatга олиб, мазмуннинг қандай шаклда ва қай тарзда баён қилинишга кўра таржимоннинг аслиятдаги каби китобхонга кўрсатадиган ҳиссий таъсири ва эстетик қиммати юқори бўлади.

“Қалб” романи таржимасида оддий сўзларнинг таржимада диний сўзлар билан алмаштирилганлиги таҳлили юқоридаги фикримизга далил бўлади.

故意か自然か、私はそれを出来るだけ切り詰めた生活をしていたのです。(1, 131)

[Koi ka shizen ka, watashi wa sore o dekiru dake kiritsumeta seikatsu o shite ita nodesu.]

Ушбу жумла сўзма-сўз таржима қилинганда: “Онгли равишдами ёки табиий равишдами, мен иложли борича ажралган ҳолда яшашига ҳаракат қилдим.”

Таржима матнида: *“Нотўғри эътиқод бўйичами ёки тақдир тақозоси биланми, ҳар ҳолда мен ўзгалардан ажралган ҳолда яшашга ҳаракат қилдим.”* (10, 122)

Юқоридаги мисолда японларда эътиқоди юзасидан табиийлик, табиат қонунларига таяниш, ўзбеклар турмуш тарзида эса динга оид қарашлар муҳим ўрин тутишини тушунамиз. Яъни, япон тилидаги 自然 [shizen] — “табиий равишда” сўзига “тақдир тақозоси” сўзи муқобил сифатида танланган бўлса, аслиятдаги 故意 [koi] — “онгли равишда” сўзига “эътиқод бўйича” бирикмаси таржима сифатида танланган. Ушбу мисолда, ўзбекларда онгли равишда амалга ошириладиган ишлар албатта эътиқод, дин мезонлари асосида содир бўлади, японлардаги “табиий” содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ўзбекларда “тақдир азал”дан бўлади деган тушунча асосидаги трансферни кузатишимиз мумкин. Аслида, аслиятдаги сўзларнинг бадий бўёқдорлигини оширган ҳолда эквивалентини берса ҳам бўлар эди. Бироқ, бу ерда, таржимон асл матнда ишлатилган сўзни таржима ўқувчиси кўникмасидан келиб чиққан ҳолда диний-маданий контекстга алмаштиришни танлаган. Демак, бу мисолда ҳам адаптация усули натижасида таржима матнида маданият трансферини кузатамиз.

Кейинги мисол ҳам юқоридаги таҳлил ва фикрларни мантиқан давом эттиради:

要するに私は正直な路を歩く積りで、つい足を滑らした馬鹿ものでした。(1, 226)

[Yōsuruni watashi wa shōjikina michi wo aruku tsumori de, tsui ashi wo suberashita baka monodeshita.]

Бу гапдаги 正直な [shōjikina] сўзи ўзбек тилига “ҳаққоний, тўғри” деб таржима қилиниб, 正直な路を歩く [shōjikina michi wo aruku] жумласида “тўғри йўлдан юриш”, маъноси тушунилади. Таржимада эса бу жумла қуйидагича келади:

“Шундай бўлиб қолдики, ҳалол йўлдан юришни истасам-да, барибир сирпаниб кетиб, ахмоққа айланган мен бўлдим” (11, 114)

Яъни япон тилидаги 正直な [shōjikina] (тўғрилик) сўзи ўзбек тилига “ҳалол” сўз билан таржима қилиниб, оддий сўз маъноси таржимада динга оид тушунчага кўчган. Ўзбек миллатида ёхуд ислом динида “тўғри иш, тўғри йўл” маъноси тасаввурини “ҳалол” тушунчаси беришини кузатишимиз мумкин. “Ҳалол” сўзига ислом энциклопедиясида қуйидагича таъриф берилади: “Рухсат бериш; фарз, мандуб ва мубоҳ тушунчаларига кирувчи рухсат этилган ҳатти-ҳаракатлар; ман этилган ҳатти-ҳаракатлар(ҳаром)нинг зидди. Ҳалол ҳақидаги масалаларни фикҳнинг аҳком бўлими ўрғанади. ...Ҳалол касб деганда, айнан шу маънода гап кетади. Яъни, ҳалол нарсага ҳалол йўл билан эришиш лозим” (18, 306). Ўзбек тили изоҳли луғатида ҳам “ҳалол” сўзига араб тилидан кириб келган динга оид тушунча эканлигига ишора қилинган.

“Қалб” асари таржимасида 正直な [shōjikina] сўзининг эквиваленти сифатида “ҳалол” сўзи моҳирона қўлланилган. Таҳлил қилмоқчи бўлганимиз, “ҳалол” сўзи ва 正直な [shōjikina] (тўғрилик) сўзларининг коннотациясининг фарқли томонларида бўлиб, уларни “тўғрилик, поклик, виждонийлик, содиқлик” каби тушунчалар бирлаштириб турса, “ҳалол” тушунчасида “ислом шариатида рухсат берилган”¹ сифати жумланинг трансфер бўлганини, таржима ўқувчисида жумлага нисбатан ассоциатив белгилар ошганини кўрсатиб беради. Ва шу орқали китобхонга

вокеликнинг ўзига хос баён қилиниши диний трансфернинг амалга ошишига сабаб бўлган.

Kの口にした昔の人とは、無論英雄でもなければ豪傑でもないのです。霊のために 肉を虐しいたげたり、道のために体たいを鞭むちうったりしたいいわゆる難行苦行 なんぎょうくぎょうの人を指すのです。Kは私に、彼がどのくらいそのために苦 しんでいるか解わからないのが、いかにも残念だと明言しました。(1, 192)

[K no kuchi ni shita mukashi no hito to wa, muron eiyū demonakereba gōketsu demonainode su. Rei no tame ni niku o 虐 Shītage tari, dō no tame ni karada tai o muchi muchi u ttari shita iwayuru nangyōkugyōna n gyo u ku gyo u no hito o sasu nodesu. K wa watashi ni, kare ga dono kurai sonotame ni kurushinde iru ka kai wakaranai no ga, ikanimo zan'nenda to meigen shimashita.]

“Мунгли овозда у, қадимги одамларни билмаганимда эди, сенга бунчалик ҳамла қилмасдим, деди. К гапираётган қадимги одамлар, албатта, қаҳрамон ҳам, машхур кишилар ҳам бўлишмаган” (11, 100).

Таҳлилга тортилган юқоридаги мисол аслиятда 3 та жумладан иборат бўлиб, ўзбек тилига қилинган таржимада иккинчи гап тушуриб қолдирилган. Аслият матнида 昔の人 [mukashino hito] сўзи таржима матнида “қадимги одамлар” деб таржима қилинган бўлиб, кейинги жумлада улар қандай одамлар бўлганликларига изоҳ берилган. 霊のために肉を虐しいたげたり、道のために体を鞭うったりしたいいわゆる難行苦行の人を指すのです [Rei no tame ni niku wo Shītage tari, michi no tame ni karada wo muchi uttari shita iwayuru nangyōkugyōna hito o sasu nodesu]. Бу жумла ўзбек тилига таржима қилинмай тушуриб қолдирилган, бироқ, “қадимги одамлар”нинг динга мансуб одамлар эканлиги аслида шу жумлада ифодасини топган бўлиб, ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади: “У руҳи учун этини аямаган, йўл учун танасини қамчилаган зоҳид одамларга ишора қилаётган эди.” Бу ерда қаҳрамон “қадимги одамлар”нинг нақадар қатъиятли, динида содиқ ва собит эканликларини ифодаляётганини, ўзи ҳам уларга тақлид қилаётгани, лекин қийналаётганини ифода этмокчи бўлган қисми бўлганлиги сабабли бу ерда таржимон томонидан тушуриб қолдириш усулини қўллагани учун жумланинг диний туси биров камайган назаримизда. Таржимашунос мутахассис сифатида бу ерда адаптациянинг тушуриб қолдириш усулидан фойдаланилганлигини ноўрин деб баҳолаймиз. Таҳлилни маданият трансфери нуқтаи назаридан давом эттирар эканмиз, матнга натижа сифатида қараб, 昔の人 [mukashino hito] (ўтмишдаги одамлар)га берилган иккинчи гапдаги таъриф, изоҳ тушуриб қолдирилганлиги туфайли жумладаги диний тус йўқолиб, сўз оддий сўзга трансфер бўлганини гувоҳи бўламиз.

Асарда келган ислом динига оид тушунчаларни ислом мезонлари асосида таржима қилинишидан хулоса қилиб, таржима матни миллати диний маданияти ҳақида аслиятда келган дин ҳақидаги ўз тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда баён этилган.

Маънавий маданиятни, айниқса, динга оид тушунча трансферлар таржимоннинг ҳам хиссиётлари таъсирида содир бўлиши ҳам мумкин деган хулосага келамиз. Бироқ таржиманинг жавобгарлиги таржимон ўз ишига киришишдан аввал, таржима қилиниши лозим бўлган тил маданияти, унинг тарихи, дини билан танишиб чиқишни тақозо қилади.

Миллатлараро ғояларнинг фарқланиши, эътиқод қарашларининг турличалиги маънавий маданият ҳамда руҳиятга оид тушунчаларнинг трансфер бўлишида асосий омил бўлди. Япон диний маданиятида табиат конунлари устуворлик қилиши акс этган жумлалар таржимасида трансфер

кузатилди. Оддий сўзларнинг ҳам диний сўзлар билан берилиши ўзбеклар ҳаётида диннинг асосини ташкил этувчи ахлоқий кадриятлар мезонлари муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Аслиятдаги *モハammadと剣* [mohammado to ken], яъни “Муҳаммад ва қиличи”, *コーランを読む* [koranwo yomu] “Қуръон ўқимок” динга оид сўзларнинг таржима матнида “Муҳаммад ва ҳадислари”, “Қуръон билан танишиб чиқиш” каби ҳам адаптив диний атамалар билан берилишида албатта ҳар икки мамлакат динга нисбатан ўзининг дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилгани ва бу ерда ҳар икки миллат дин ҳақидаги ўз тасаввурлари, айниқса, таржима матнида китобхоннинг дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда баён этилганини гувоҳи бўламиз. Таржима матнидаги “ваъзхон”, “комил инсон” каби таржималар асар ўқиш жараёнида китобхонда миллий, исломий тушунчалар ассоциациясига сабаб бўлади. Таржимада диний сўзларнинг маъноси торайиб оддий сўзларга трансфер бўлишида сўзларни сўзма-сўз таржима қилинганда, диний реалияларнинг маъноси изоҳини баён қилинганда, адаптациянинг тушуриб қолдириш усулидан фойдаланиб таржима амалга оширилганда кузатилди. Бунда сўзларнинг диний коннотацияси камайиб, жумлада оддий фалсафий маъноларни ифода қилиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 夏目漱石. 「こころ」. — Japan, Shinchousha, 1952. — 260 p.
2. Espagne M. Les transferts culturels franco-allemands. — Paris, 1999. — 127 p.
3. Pym Anthony. Translation and Text Transfer: an essay on the principles of intercultural communication. — Tarragona: Intercultural Studies Group, 2010. — 211 p.
4. Yan Zhou. The Impact of Cultural Transfer on Cross-cultural Communication // Asian Social Science. — July 2008. — Vol.4, No.7. — P.143. — URL: www.ccsenet.org/journal.html
5. Диншунослик. — Тошкент: Мехнат, 2004. — 135 б.
6. Дмитриева Е.Е. Теория культурного трансфера и ее отношения к цивилизационно-культурному пограничью // Цивилизационно-культурное пограничье как генератор становления мировой культуры. — Москва, 2012. — № 7. — С. 16–20.
7. Лобачёва Д.В., Культурный трансфер: определение, структура, роль в системе литературных взаимодействий // Вестник Томского государственного педагогического университета. — 2010. — Выпуск 8 (98). — С. 23–27.
8. Олим С. “Қиёмат”нинг Иброҳим Ғофуров талқини // Таржима муаммолари. 2-китоб. — Тошкент, 1991. — Б. 15–19.
9. Сосеки Нацумэ. Қалб // Жаҳон адабиёти. — 2013. — № 5(192). — Б. 7–34.
10. Сосеки Нацумэ. Қалб // Жаҳон адабиёти. 2013. — № 6(193). — Б. 115–139.
11. Сосеки Нацумэ. Қалб // Жаҳон адабиёти. — 2013. — № 7(194). — Б. 94–122.
12. Ширинова Р. Ҳ. Диний реалияларни бадий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари (Француз адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари мисолида). фил.фан.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. — Т., 2002. — 136 б.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. — 679 б.

14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. — 671 б.
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. Давлат илмий нашриёти. — Тошкент, 2004. — 703 б.
16. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Давлат илмий нашриёти. — Тошкент, 2004. — 703 б.
17. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Давлат илмий нашриёти. — Тошкент, 2004. — 703 б.
18. Ислом. Энциклопедия: А-Х. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003. — 137 б.
19. 日本大百科全書(ニッポニカ) Shogakukan, 1994. 2376 p.
20. 国語大辞典 (新製版)、SHOGAKUKAN 1981. 887 p.
21. Якушенко О. Что такое культурный трансфер. «Европейский университет в Санкт-Петербурге». Автономная некоммерческая образовательная организация высшего образования. — URL: <https://eusp.org/news/chto-takoe-kulturnyj-transfer>
22. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zulfiqor-uz/>
23. <https://kotobank.jp/word/%E4%BA%BA%E9%96%93%E3%82%89%E3%81%97%E3%81%84-593719>
24. Wikipedia® . 精 進 [shōjin]
<https://ja.wikipedia.org/wiki/%E7%B2%BE%E9%80%B2>
25. <https://www.famille-kazokusou.com/magazine/manner/325>

References

1. Natsume Soseki. *Kokoro* (The Heart). Printed in Japan, Shinchousha, 1952, 260 p.
2. Espagne M. Les transferts culturels franco-allemands. Paris, 1999, 127 p.
3. Pym Anthony. Translation and Text Transfer: an essay on the principles of intercultural communication, Tarragona: Intercultural Studies Group, 2010, 211p.
4. Yan Zhou. The Impact of Cultural Transfer on Cross-cultural Communication//Asian Social Science. July 2008, Vol.4, No.7, 143 p., available at: www.ccsenet.org/journal.html
5. Dinshunoslik (Religious studies), Tashkent: Mehnat, 2004, 135 p.
6. Dmitrieva E.E. Civilizational and cultural borderlands as a generator of the formation of world culture, Moscow, 2012, No. 7, pp. 16-20
7. Lobachova D. V. Cultural transfer: definition, structure, role in the system of literary interactions//Vestnik Tomskogo gosudarstvennogo pedagogicheskogo universiteta, 2010, No. 8 (98), pp. 23-27.
8. Olim S. *Tarjima mauammolari* (Problems of translations), Tashkent, 1991, pp. 15-19.
9. Soseki Natsume. *Jahon adabiyoti* (World Literature), No. 6 (193), 2013, pp. 115-139.
10. Soseki Natsume. *QJahon adabiyoti* (World Literature), No. 7 (194), 2013, pp. 94-122.
11. Shirinova R.H. *Diniy realiyalarni badiiy tarjimada qayta yaratishning ayrim tamoyillari* (Some principles of re-creation of religious realities in artistic translation), Tashkent, 2002. 136 p.
12. Dictionary of the Uzbek language. 1st volume, Tashkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006, 679 p.
13. Dictionary of the Uzbek language. 2nd volume, Tashkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006, 671p.

14. Uzbek National Encyclopedia. 2nd volume. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, Tashkent: 2004, 671p.
15. Uzbek National Encyclopedia. 6th volume. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, Tashkent: 2004, 671p.
16. Uzbek National Encyclopedia. 8th volume. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, Tashkent: 2004, 24p.
17. Islam. Encyclopedia, Tashkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 137 p.
18. 日本大百科全書 [nihondaihyakkazensho] (ニッポニカ [nipponika]) Shogakukan, 1994. 2376 p.
19. 国語大辞典 [kokugodaijiten] (新製版 [shinseiban])、SHOGAKUKAN 1981, 887 p.
20. Yakushenko O. What does mean cultural transfer, available at: <https://eusp.org/news/chto-takoe-kulturnyj-transfer>
21. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zulfiqor-uz/>
22. <https://kotobank.jp/word/%E4%BA%BA%E9%96%93%E3%82%89%E3%81%97%E3%81%84-593719>
23. Wikipedia® . 精 進 [shōjin] available at: <https://ja.wikipedia.org/wiki/%E7%B2%BE%E9%80%B2>
24. <https://www.famille-kazokusou.com/magazine/manner/325>